




ЭШЛАЮНЧИ

1991 йил
8 март
Жума
№ 38-39 (13.725)
Баҳор: 20 тийин.
Сотувга: 20 тийин.
Обвацияга: 6 тийин.

Ўзбекистон комсомол-
ёшлари рўзномаси

• АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ! • السلام عليكم، عزيزي مشتري!



Айёмингиз қутлуғ бўлсин, мунис онахонлар, меҳрибон опа-сингиллар!



СОВҒАСИГА... МАЪЗУР ТУТИНГ



Бозор бўсағасида турибмиз. Яқинингга совға улашиш у ёқда турсин, уни топишга ҳам умид йўқ. Дўконлар куриб қақшаган. Фарзандлар ҳалак. Онанзорига ҳеч бўлмаса, бир кийимлик оддий мато тополмайин. Ингитлар ҳалак. Еқтирган қизига бирор яхши совға тополмайин. Ота-оналар сарсон. Боғча опасини арзғулик ҳада билан йўқлайин деса. Шундай сатрларни бита туриб, барча эркаклар номидан хотин-қизларимизга, оналаримизга, бувижонларимизга дегим келади: кунгингизни ололмаган бўлсак, узр. Бир оғиз ширин сўзимизни, совға ўрнида қабул этгайсиз. Қўриб турганингиз, замон шунақа, давр шунақа. Бугунги диққатингизга ҳавола этилаётган суратларга, улардаги чехраларга ҳам бир дақиқа разм солинг-а. Бу нигоҳларда бугунги кунимиз руҳини кўрасиз. Кайфиятини туйасиз. Жажжи қўлларига гул эмас Тинчлик байроғини ушлаган қизалоқ қаранг. У сиз билан биз катталарнинг ташвишларимизни тушунайми. Билмагани рост бўлсин. У улғайгунча бугунги инқирозли кунларимиз унут бўлмай. Қайгуларимиз берҳам топмай.

тади. Чернобил ва ундан қолишмайдиган Орол фалокатлари устида юқоридегилар бош қотира бошладилар. Жумҳуриятимиз учун қайта куриш олиб келган бир эзгулик бу — эътиқодларимиз сари юз туттишга очилган йўллар. Мана бу бўлғуси отинийлар ана шу йўлдаги ilk қалдирғочлардир. Уз имони, эътиқоди, ор-номуси учун умрларини бахш этишган бу қизалоқлар. Истагимиз — йўлларини берсин. Диёнат, латофат, назокат ҳали ҳам сақланиб қолаётганига имон келтирасан киши. Қўллариде кетмон, бошлариде оқ дуррали бу қизларга боқинг. Бордию яна бир бор Ўзбекистон маликаси танлови ўтказилгудек бўлса (аввало бундан худо асрасин), бош савринини уларга бериш керак, деб ҳисоблардим. Бугун улар ҳам 8-Мартни байрам қиладилар. Бироқ оталари, акалари, укалари шу кунда уларга улашай деса бир парча шойи тугул, ўзлари етиштирган газмолдан тополмайдилар. Қанийди, ҳар оқшом опоқ чойшабга ўралиб ором уйқусига кетадиган амалдорларимизга инсоф кирса. Гапларим кимларгадир ёқмади. Буни биламан. Аммо наилол, шоир айтганидек: Яхшидир аччиқ, ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон.

Сувонқул РУСТАМ.



ларга Тошкент трактор заводи томонидан Болтиқ бўйидаги Халқаро ёшлар дам олиш лагерига йўлланма берилди.

Пленум бўлиб ўтди

Тошкент вилоят комсомол кўмитасининг V пленуми бўлиб ўтди. Унда кўмитанин 1991 йилги бюджетни кўриб чиқилди. Маъзур масала юзасидан вилоят комсомол кўмитасининг биринчи котиби М. Мирҳўжаева сўзга чиқди. Дониш комиссиялар ва уларнинг таркиби тасдиқланди.

Пленум вилоят аҳолисига 17 март кунини буладиган умумхалқ референдуми муносабати билан мурожаатнома қабул қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон ЛКМ Марказий Кўмитасининг котиби Ш. Қосимов иштирок этди.

Аёллар бирлашса...

Шўро хотин-қизлар кўмитаси Халқаро хотин-қизлар кўни арафасида ўз ватандош дўгоналарига мурожаат қилди.

Байрамга бағишланган мурожаатда шундай дейилади: 8 Март Хотин-қизларнинг халқаро бирдәмлик кўни, уларнинг камситилишига қарши, ўз ҳуқуқларини, фарзандларининг порлоқ келажак учун, қалблар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик учун кураш кўни сифатида пайдо бўлган эди. Бугунги кунда ҳам ана шу мақсадларини рўйга чиқариш учун хотин-қизларнинг бирлашиши зарур, жаҳонга ана шу нарса керак.

Мамлакатимиз хотин-қизларининг бирлашишига ҳар қачонгидан ҳам муҳтождир. Биз инноватив эҳтирослар ва тугўналарни пасайтиришга, миллиятларро туқнашулар алағасини ўчиришга ёрдам берадиган кучга айланишимиз керак.

Шўро хотин-қизлар кўмитаси ватандош дўгоналарининг байрам табриқлари ва уларга ҳамда оилаларига сабр-тоқат, ақлу донолини ва эзгулик, самимийлик ва фаровонлини тилади.

Йўл яқин бўлади

Талаба бу ака-укамиз, ўғил-қизимиз, опа-сингилмиз. Яқин дўстларимиз. Шу босқидан уларга кўрсатилган амалдорлик, энгиллик, кўмакдан қувонсан киши. Худди ўзинг мушарраф бўлганди.

Икки кун бурун руҳинида шундай кайфият инди. Тошкент метрополитенининг ана иккита — «Тинчлик» ва Беруний номидаги бекатларига дастлабки синов поездлари келди. Айниқ, унинг асосий йўловчилари талаба йигит-қизлар бўлишди. И. ШЕРБЕК олган суратда метрополитенининг янги бекати акс этган.



Бугун Арманистонда иш куни

Бугун шак-шубҳасиз аёлларга, уларни эъзоллаш раъзи сифатида, гуллар тўхта қилинади. Лекин бу йилги хотин-қизлар кўни Арманистонда иш куни бўлади. Жумҳурият Вазирлар Кангаши шундай қарор қабул қилди.

«Укамни йўқотиб қўйдик»

Тақриротиимизга Самарқанддан бир йилгит кийиб келди. Қўлида муҳаррир номинга эзилган хат: «Укамни йўқотиб қўйдик. Жўнаев. Аслидин Носирович. Самарқанд вилоятининг Пайариқ ноҳияси, «Ленинизм» жамоа кўжалиси, Адилов кишлоғида туғилган. 8 февраль кунин эрталаб соат 11 ларда уядан «Тошкентга» бораман, деб чиқиб кетганиче қайтиб келмади. Кўп жойлардан сўради. Йўқ. Рўзномада чиқса, зора кўрган-билганлар кабар беришадими, деган умидда келдим. Укам II гуруҳ руҳий касал. Сўраганларга исмининг ҳам айтмаслигини мумкин. Турар жойи — «Нарма-

нова» сўзини кўп қайтаради. Еши 20 да. Эғнида кўк куртка. Ичидан аскарларнинг камзулини кийиб олган. Оғида резина этик. Бошида тўлпақ. Бўйи 160—170 сантиметр».

Аслидин ҳақида маълумотга эга бўлганлар бундан кўрганлар бўлса ўзларига яқин кишилар бўлишларига кабар қилишларини сўраймиз.

Шаҳардаги соқчилар

Милиция ва ҳарбий хизматчиларнинг нарядлари биргаликда соқчилик қилганларидан бери 27 мингта турли-туман ҳуқуқбузарликларининг олди олинида ва фож этилди, шу жумладан, 222 та жиний жавобгарликка тортилгандиган жиноят фож этилди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 488 та шаҳарда соқчилик қилинмоқда. 3556 та пост ҳамда йўлларда милиция органларига тартибни сақлашда 14 минг ҳарбий хизматчи ёрдам бермоқда.

Арманистон, Латвия, Литва, Гуржистон, Эстония, ва Молдовада биргаликда соқчилик қилинмапти.

Икки мағлубият, бир дуранг

Футбол иштибозолари орзиқиб кутган дамлар ҳам этиб келди. Оврупо кубоклари учун кураш олиб бораётган мамлакатимизнинг уч жамоаси яна майдонга тушишди. Натижаси... икки мағлубият, бир дуранг.

Пойтахт спартакчилари билан Испаниянинг «Реал» жамоаси ўртасидаги баҳса дарвозалар даҳасиз қолди. Украинанин бош командаси «Динамо»дан эса омад юз ўғирди. Улар биринчи ўйинни «Барселона»га 2:3 ҳисобида бой бериб қўйишди. «Торпедо» ҳам сафарда (0:1) ютқазди. Лекин бошқа командаларга қараганда унинг имконияти кўпроқ.

АССАЛОМ, ФУТБОЛ!

Ҳамалли соғиниб кутдик. Бойчечак мандаси катта курашга чоғланмоқда. Бўй чўзиб, бодомлар тўлга кирди. Бир Миллионлаб футбол иштибозоларининг ёнда қутлуғ Наврўзи олам эшик черта- ҳайқирмақари тўрт томонга кетса, улар- га қўшилди суйининг, оқиниланг. «Пах- такор». «Пахтакор», омад бўлсин сенга ёр!!!



3- ва 4- бетларга қаранг

Қалбингиз кўридан баҳраманд бўлиб...

Баҳор фаслининг аввалида ақоиб байрам — Халқаро хотин-қизлар кўнини нишонлаймиз. Санжанин март кунин аёлларга гуллар совға қилишди, уларни табриқлашди, лекин адолат юзасидан айтадиган бўлсак, ҳаммаша шундай бўлиши керак.

7 март кунин Алишер Навоий номи Даулат академик катта опера ва балет театрида Тошкент жамоатчилигининг хотин-қизлар кўнига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди. Йиғилишини Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерациясини раисининг ўринбосари М. М. Тўлаганова очди. Жумҳурият Вазирлар маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасининг раиси, «Саодат» ойнамасининг бош муҳаррири Х. У. Худойбердиева маъруза қилди.

Кўрик голибига йўлланма

Яқинда Тошкент шаҳар Куйбишев ноҳия комсомол кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Муҳаббат, баҳор, иқбол» деб аталди. Унда Сайёра Нуртובה, Феруза Абдураз-Сайёра Нуртובה, Дилшоода Зоқова, Шахло Очилова, Дилшоода Умаровлар ўз билимдонликлари, зукюликларини кўридан ўтказишди. Кабеллар заводининг маданият саройига тўланган мухлислар ҳам ақоиб эмас эканлар. Улар асосан мактабларда кашшофлар етакчиси бўлиб ишлаб келаятган, бу қизларга миллий урф-одатларини, анъаналаримизни зуусида саволлар бериб, шояриб қўйишди. Қизини савол-жавоблардан сўнг Сайёра Нуртובה кўрик голиби деб топилди. Ақл-заковат, билимдонлик ва топқирлик баҳсида қатнашган барча қизларга ноҳия комсомол кўмитасининг совғалари топширилди. Биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган-



...Мақола ёзилишига «замонавий кино» томошабини бўлганимиз сабаби. Танишимиз янги видеофильм тоғлигини айтиди. Тарихий мавзуда, сиз қизиқасиз... деди. Бордик, Кўрдик. Фильм Рим императори Нерон ҳақида экан. Гарб киночилари буюк императорнинг ҳаётини шу қадар ахлоқсиз, ваҳшона саҳналарда тасвирга олишганки...

Кейин ўйланб юрдим. Урта мактабда «Рим империяси» ҳақида ўқитганмиз. Буюк императорлар — Юлий Цезарь, Авлиэ Август, Тиберий, Авлиэ Клавдий, Нерон... Тит, Домциан... Жаҳон тарихида илк бор марказлашган буюк давлатга асос солган, демократик жамиятни барпо этган, инсоний ҳақ-хуқуқнинг илк меъёрларини ишлаб чиққан императорларни унутиб бўладими? Аммо, кинода кўрганимиз бутунлай ахси... Император Нерон сингиллари билан эр-хотин муносабатида бўлади, инсоният тарихида ёзилган файласуфлар, шоирлар, тарихчиларнинг оилаларини бузди, ўзларини хўрлайди, қатл эттиради...

Ишонмадим. Агар қўлимга бир асар тушмаганда бу кинони навбатдаги «олди-қоңди» деб эътибор бермаслигим мумкин эди.

Асар антик даврнинг машҳур соломачиларидан бири Гай Светоний Транквили қаламига мансуб бўлиб, «Ун икки Цезарь ҳаёти» деб номланади.

Авалло муаллифи ҳақида. Гай Светоний Транквили ўзи қаламга олган Римнинг машҳур ўн икки императорга деярли замондош — янги эра бошларида умр кечирган. «Рим саройининг сирлари»ни очиб оқибатда жаҳон тарихи...

га кирган. У ўз асарларида мутлақо тарихий далилларга, ўзидан олдин ўтган соломачиларнинг маълумотларига, сарой муаррихларининг рақам-далилларига асосланган. Шу боиски, тасодиф тўғрисида сақланиб қолган бу асар кейинчалик бутун дунёда юзлаб тилларда миллионлаб нусхаларда чоп этилган.

Демак, муаллифини айрим ўринларда «чегарадан чиқишда», кимларгадир гаразғўйлик мақсадларини инсоннинг бош йўналишига айлантирганида айбоб олимайми. Зеро, Рим империясидаги ахлоқ меъёрлари ҳақида ёзилган асарлар бир-иккинчисига эмас.

Савол туғилади: бўлса-бордир, у замонлар билан ҳозирги замон ахлоқ устурмаларини, инсоний фазилятларини, имон-диёнати чопштириб бўлмайди-ку? Бу марказлашган давлат илк маданият, маданиятнинг инсонларни ҳам яратди, турмуш тарзини шаклландирди. Бу пайтда инсонийликнинг боб асоси — дин ҳали тарбия толмаган. Дунёга авлиэ-ю, пайғамбарлар анишмаганди...

Яна бонро гап бор: ўтганларни ёмонлаб бўлмайди.

Тўғри, Аммо, тарихнинг адолатсизлигини, мустабид силсилаларини бирдўлама ҳаёт қурималарини қарагинки, узоқ йиллар тарихида ким қонхўр дейилса, Шарқ жаҳонгирлари, ким ахлоқсиз дейилса, Туронамин ва Эронзамин ҳукмдорлари... деб ўргатилди келинди. Шарқ ҳукмдорларининг шахсий оиласи — ўз хотинлари ва хизматкорларининг хилват гўшаси бўлиб — ҳарам шу тарихида аста-секин «исловатхона»нинг иккинчи қўриғини таризда изоҳланди. Бу ҳол айниқса, Буюк Хоразм давлати ҳукмдорлари, теурийлар даври амирлари ва сўнгги хонлиқларимизни ёмонотлиқ қи...

лишда, сал бўлмаса, бош манба ҳисобланди. Жаҳон адабиётинида «Шарқ ҳукмдорлари ҳарамлари»нинг «антиқа кўришилари» ҳақида ёзмаган ёзуви, айтмаган «доҳий» қолмаган ҳисоби...

Муайян адолатсизлигининг яралишига «Минг бир кеча» каби дурдона асарлар борлиги сабабдир. Аммо, биз овурулликлар ҳаётининг «гўшана сирларини» очиб ташлаган «Денамерон» каби асарлар борлигини ҳам билмайми-ку?! Хўш, нега «ҳарам» — шу даражада «ёмон иборатга» айланди?

...Бу ижтимоий мақола эмас — инсоният тарихидаги тубан воқеаларнинг келиб чиқиши, моҳияти ва оқибатларини «тергов» қилиш ниятимиз йўқ. Фақат замондошларимизга, тарихга «Буюк Цезарь», «Авлиэ Цезарь» номулари билан янган шахс билан «Босқинчи Темур», «Теурулант», «Шарқсиз жаҳонгир» ҳаёт тарзини қисман солиштириб, кимнинг ким бўлиб ўтганини кўрсатиб бермоқчимиз. Гап икки улкан шахс ҳақида кетайтган экан, кимнинг айтилиши, кимнинг тубанлиги келтириладиган мисолларда кўрилади-қолади...

Гай Светоний Транквили ўн икки Рим императорининг биринчиси Гай Юлий Цезарга бағишлаган «Авлиэ Юлий» номли китобига ёзади:

ТУБАНЛИК „ДАҲО“ЛАРИ

ЕКИ БУОК ЦЕЗАРЬ КИМ-У, АМИР ТЕМУР КИМ?

лар мажлисига йўламадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага туҳмат гуёбат қилсалар, қулоқ солмадим. ...Одам Атодан бошлаб, Хотамгача, Хотамдан ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонуни ва турмуш-турмушлари, қилиш-қилишлари, айтган гапларини хотирада сақлашдан ва яхши ахлоқлари ва маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим...

Цезарлар сулоласининг яна бир наомандиси «Авлиэ Август» ҳаётини тарихчи ёзади: «...Перуэрийни забт этган, у деярли ҳамма асирларни қатл эттирди. Кимки раҳм-шафқат тиласа ёки бегуноҳлигини оқламоқчи бўлса, фақат уч оғиз сўз билан жавоб қайтарди: «Сен ўлшинг керак!» Асирлардан уч юз нафарини танлаб олди ва Авлиэ Юлий қабри қошида қурбонлик тариқасида сўйдирди...

«...Бобоси Цезарнинг Миср малиқиси Клеопатрадан қўрган ўғли Цезарионни излаб топтирди ва қатл эттирди. Лемиднинг ўлимидан кейин қардаги диний ва фалсафий руҳда қитоблар бўлса, қайси тилда ёзилганидан қатъи назар, топтириб ётирди...»

Яна бир цезарзода — император Тиберий ҳақида: «...Унинг ваҳшийликларини алоҳида санаб мушкул: одамхўрнинг қилмишларини умумий мисолларда келтириб ўтмай. Бирорта кун қатлсиз ўтмасди, ҳоҳ байрам бўлсин, ҳоҳ мотам кун, ҳатто янги йил, кечаларда ҳам. Айбодларга қўшилиб болалири, ота-оналари ҳам қатл этиларди. Нагд этилганларнинг ақилларига йилган ман қилинганди. Қачинларга, гувоҳларга натта совалар улашлариди. Шоир фарқатинга шоир бўлгани учун, тарихчининг тарихчилик учун қирғин қилишарди... Қийноқнинг одам боласи кўрмаган усулларини ўйлаб топшарди. Се...

нат авъоси ёки зулурок оила соҳибини зўбатга тақдир этар, тўғрунча вино ва ичимликлар ичирар, кейин эса... эрақлигини маҳкам боғлашга ҳукм этарди. Айбон нимада эканлигини билмаган бечора шу тариқа ички авъосларини шишиб, ёрилиб, ўларди... Марҳумнинг ақилларига қатл тамом бўлган, шу ердаёқ зўбатда ўтириб, қўшиқ айтиш, рақс тушиш, хушчақчақлик қилиш... буюриларди...»

«Авлиэ цезарлар»нинг барча қилмишларини ўқитиб кичининг эти жириллар кетади ва яна бир император — «халқлар отаси» — Сталин қурбонларининг хотиралари эста тўшади.

«Теуру тузуқлари»дан: «...Агар сипоҳилар тўғрисида бўлса, асарлар, хизмат ўринларини белгилаб, ҳол-аҳолига яраша иш тўғрисида, Агар хунарсанга иш маърифат аҳлларида бўлса, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа, биланганда кучи бор фақир-мискилар эса, ўз аҳоли ва касби-корига қараб иш тўғрисида... Саройда қўридан кетиб қолган савдогарга ўз сармоисини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин, деб амр қилдим. Деҳқонлар ва ривоятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қўриб етмай қолган бўлса, унга янги-тинкин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қўрилати етмаса, керакли ускуналарини етказиб, унга ёрдам берилсин... Кимники хузурига киритган бўлсалар ва қўзим унга тушган бўлса, ҳолига яраша ҳурматлаб, совға-инъомлар билан қузатсинлар. Хар қандай одам менинг адолат девонимдан ланоҳ топан экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечирсинлар. Иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ қилгудек бўлса, у ҳолда гуно...

ҳига яраша жазо берсинлар...»

Буюк бобомизнинг бу амру фармони айна уруш кетайтган пайтда, қарши душман томон — турку тоқим, арабу ажама тоғбалиқларидан бўлган халқ, элларнинг фуқаролари учун берилган. Унга халққа шу қадар адолат кўрсатган жаҳонгирнинг ўз раийтин қандай гамажўрлик билан ядвора этгани маълум... Тўғриси, маъқур тузуқларини ўқиб шўро раҳбарлари — улғу «доҳий»ларда ҳам бу қадар саховат етишмаганлигидан ажабланамиз...

Римнинг буюк императори Нерон тўғрисидаги кино тарих ҳақиқати олдида ҳолва. Светоний Нерон ҳақида ёзади: «...У ҳатто ўз туққан онаси билан ишқий муносабатда бўлиб кетди. Аммо айрим эътиборли кишилар уни бу йўдан қайтаришди, чунки шундоқ ҳам тахтга ҳавасманд, ҳукмронлиқни ёқтирадиган аёл... Уғлига ўйнаш бўлган, ҳоқимиятда натта мавқени қўлга киритиши мумкин эди...»

Хўш, Нерон ўша кишиларнинг маслаҳатларига қулоқ осдимиз? Қайда! Ғуломлар тахтида қўтариб келишайтганда у йўл-йўлакка онаси билан ўйнашидан ор қилмади... «Ор қилмади» иборасини но-урин ишлатдим. Негаки, Рим империяси даврида, унинг ҳукмронлари лугатига бу сўзлар мутлақо йўқ эди.

Энди ажабланмаймики, Рим императорининг вассали Понтий Пилат инсониятни тарбиялаш, унга инсоний одоб-ахлоқ бахш этиш учун тангри томонидан элчи қилинган Ҳазрати Исо пайғамбар...

ни дорға тортиришдан завқланади... Уттиз уч яшар навқирон йилгит — энг адолатли пайғамбарлардан бири умрбод бош оғринга мубало Понтий Пилатни тарчи ўганга ўлим явазос берган бўлса-да, шу хасталиқдан халос этиши келмади, энг сўнгги даъиягача уни — инсонларни имонга, инсофта, диёнати қайтарили... Ҳазрати пайғамбар ўз даврининг одамг бўлиши, Рим саройида таълим олган Понтий Пилатни энг олдин одамийликка қайриши беҳудалигини аниқлади. Аммо, ана шу эзгулик уни тарихга, инсонлар ҳақида абадий муҳрлажанин ҳам биларди.

Онасини зўрлашдан тоймайди-ган кимсадан адолат исташ...

Энди биз улкан фоҳишахона — Рим саройидан ўзимизга қайта-ким. Дано гап бор: пичоғни аввал ўзингга ур... Рост, Амир Теурургача бўлган Шарқ ҳукмдорлари ва улдан кейинги подшо ва подшо-зодалар одоб-ахлоқда фаршталлик даъво қилишомасди... Теурурий шаъзодалар бобоси тузуқларидаги пайд-насиҳатларга амал қилишмади. Вақтинчалик лаззатни дунёвий борлиқдан устун қўйишди, охир-оқибатни, қиёматни унутти...

Ди. Бу айбония барча теурурийларга чаплаб бўлмади. Негаки, ҳазрати Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Мухаммад Бобур, Беҳид, Шоҳжаҳон, Аврангзеб каби сиймолар — Шарқни дунё майдонига олиб чиққан

буоқ теурурийлардир... Биламики, Шарқда ҳам қачонлариди Рим саройи қилиқликлари русм бўлган. Баччаболаниқнинг отаси ҳисобланмиш — Моий пайғамбарини шарқ фарзанди дейишарди...

Биламики, Қўқон хони Маъдали отасининг канизақларидан бирига қўз олайтиргани боис бутун хонлиқ ва оназорининг тавонига қолди. Ислоом ҳоқимиси Вухоро амри буну кечира олмади...

Биламики... Биландиган ва билмайдиган нарсаларимиз талайгина. Қайта қуриш дегани олти йилки, кезиб юрган бўлса-да, ёшларга тарихини — ҳаққоний тарихини ўргатиш эскичасига қолмоқда. Йигирма йил олдин миямизга қўйишган «Йилдай заҳарли, тулқиндай айёр дейишарди Чингизхон ҳақида» ёхуд «оқоқ Теуру», «Теурурланг», «Буюк Цезарь» иборалар ҳақон китоб саҳифаларида яшамонда. Бутун болаларимиз тарчи жисмонан майиб бўлса-да, руҳан бонқосон, бағри кенг, саховатли Амир Теуру ва унинг тамомила акси бўлиш «Юлий Цезардк ҳайвонсифат», «Қўйлар ҳақида бор ҳақиқатини билдишлари керак. У Рим тарихими... Урусия тарихими, Шарқ тарихими... бори бор, йўқни йўқ деган маъқул.

Разин, Пуғачев, Болотников каби ярим қароқчи шахсларни ҳалқ қўзғолончилари деб улуглаймиз.

Рўзимбой ҲАСАН.

Жунайхон, Дунқи эшон, Пўлатхон каби аум-истибодга қарши қўзғолган улугларни ер билан яқсон қиламиз...

Мақоламиз Юлий Цезарь ва Амир Теуру ҳақида эди. Аслини олганда, тарихий шахсларни қиёсон чоғириш хато. Хар бирини ўз дари, ўз ахлоқ устурмалари, шарт-шароити ўзига боғлади. Ва лекин, бугунда барчамиз адолатли, тарихий ҳақиқатни тинлаш учун аста-секин қўзғолган эканмиз, энди ана шу шахсларни бир қайта элқандан ўтказиб, бор бўйича ўрганадиган, ёшларга ўргатадиган вақт келди.

Беайб парвардигор. Ҳақ гап. Аммо, тубанлик «дахоси» кимму, маънавий улғу, барқамол инсон ким — ажратиш, фарқлаш, кимга ва нима учун сифинимиз керак, қайси хислат, хизмати учун... бунга ҳам чуқуроқ ўйлайдиган фурсатлар берилиди.

Мақоладаги фикр-мулоҳазалар қайсирид муштарийга оғир ботса, билан тарихчиларимиз нороз бўлишса, узримизин олдиндан айтмасди. Зеро, шу пайтгача натақич тарихчиларимиз ёган ки-тобларни ўқиб, тили чиққан авлодга мансубмиз...

«Таҳриқланган», «маънавий ва сийсий хато» асардан фойдаланганимиз учун ҳам бошимизни эгамиз...

XX АСР КУНАЛИГИ

ХАВАРЛАРДА ОЛАМ НАФАСИ

● ЮСФР раёсати Хорватия жумҳуриятининг Пақрац шаҳрида шу кунларда юз берган миллатларро тўқнашулар муносабати билан кескинлашиб кетган вазиати кўриб чиқди. Мамлакат олий давлат идорасининг фикрича, кескинликка барҳам беришга муваффақ бўлинди, деб хабар қилади буюк маҳаллий матбуот.

Хорватия Ички ишлар вазиригининг Пақрацга келган маъсус бўлинмалари серб аҳолисини қатог қилишдан қўриқиб, деб таъкидланди рўзиномаларда, кескинликка сабаб бўлди. Жумҳурият маҳкамаси ўз хатти-ҳаракатларини бу ерда шаҳар милициясини Сербия муҳтор вилояти Хорватия худудига котибитанга бўйсундирилганидан кейин ажузга келган вазиати назорат қилиб туриш зарурати билан изоҳлади.

● Хозир Пақрацдаги вазиет аста-секин нормаллашмоқда.

● Германия — Совет шарт-

номаларининг тасдиқланиши билан урушдан кейинги тарихий даврга яқин ясалди, энди Германия Федератив Жумҳурияти халқро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли ва эркин аъзосига айланди», — деди атоқли немис сийбасчиси, ХДС/ХХСнинг Бундестагдаги фракцияси вакили Карл Ламерс. СССР Олий Кенгаши ана шу катта аҳамиятга молик ўзгартишларни маъқуллагани энгил нафас олишга икмон беради, деди у. У. Ламерсининг фикрига қараганда, президент М. С. Горбачев «Парламентда галаба қозонди ва танланган йўлдан олға бормоқда».

● Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор Москвадан Лондонга учиб кетиш арафасида Британия Айт-эн мулоҳиби билан сўхбатлашди. Британия вазирилар маҳкамасининг бошлиғи СССРга амалга оширилайтган ислоҳотлар дастурига тўхтайлиб, бу жараён қатта қийинчиликларга ураётганигини, бироқ унда совет

муваффақиятга эришиш учун ҳарқат қилаётгани хусусида ҳеч қандай шубҳа қилмаганлигини таъкидлади.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилати инсон ҳуқуқлари комиссиясининг сессиясида келишувчилик асосида резолюция қабул қилинди. Бу билан 1993 йилда инсон ҳуқуқларига бағишланган жаҳон анжуманини чакришга доир амалий ишлар олиб бориш учун асос яратилди. Хужжатда БМТга аъзо бўлган мамлакатларга мурожаат этилиб, улар ўзининг дестабил мажлисини шу йил сентябрь ойида Женевада ўтказадиган анжуманга тайёргарлик қўмитасининг ишида қатнашишга даъват этилди.

● Япония ҳукумати Совет Иттифоқига шонлиқин ёрдам бериш тўғрисидаги ўз қарорини яқин вақт ичиде бажариши ниятдадир. Мазлумки, бу қарор Болтиқбўйидаги воқеалар муносабати билан тўхтатиб қўйилган эди. Киодо Цусин агентлигининг хабар беришича, Япония Ташқи ишлар вазиригига Оэрупо ва Океания департаменти директори, Нагао Хироо шуни маълум қилди.



Форе қўрғазидидаги уруш тарчи тамом бўлган бўлса-да, Қувайт ва Ироқ худудига турган Амриқо ва унинг иттифоқчиларининг катта қўшини ҳали-вери араб турроғидан чиқиб кетиш ниятида эмас. Амриқо президентининг таъкидлашича, Ироқ тўла таслим бўлгача «ҳалос-

корларинг кетишлари тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас экан.

СУРАТДА: иттифоқчиларининг танк қўшинлари «озод» бўлган Қувайт ва Саудия Арабистонин чегараси.

АП—ТАСС сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ


МАНА БУНИ ОМАД ДЕСА БУЛАДИ ● КИПРЛИК Хара-ламбос Хрислилуғи омади бир келганда бароридан келди. Гап шунаки, Х. Хрислилуға бир ҳафта ичиде давлат лотереясида икки марта 35 минг Кипр фунтидан (тахминан 150 минг Амрико доллар) ютуқ чиқди. Ҳисобчиларнинг фикрича, бу жуада ноъб ҳодиса. Чунки бундай тасодиф эҳтимоли 109 миллиларда холатдан бирида юз бериши мумкин. Шунинг учун Хара-ламбоснинг номи «Ғиниснинг «Рекордлар китоби»га кирказилган бўлди.

Омади кишининг ражаларига келганда шуни айтиш мумкинки, пулнинг бир қисмини у қарзларини тўлашга сарфламоқчи, ана бир қисмини ўз болаларини чет элга ифузули ўкув юрталарига ўқитиш учун, қолганини эса бирор салмоқли ишга сарфлашнинг кўзда тутган.

УЗ КАСБИ ● ЕКМАЯДИ, ЛЕКИМ... ● АФИНАНИНГ итти-моий тадқиқотлар миллий меркази ўтказган сўров натижаларига таъниб аниқ айтиш мумкинки, Греция аҳолисининг аксарияти ўз касби ва ба-жараватини ишини севмайди. Фирқи сўралганларнинг қарийб 60 фоизи ўзининг ҳозирги ишини бақимонда ўзгартириши-ни таъкидлаган, 15 фон-

Рейнольдслар қўйин сирди шунаки, унинг жуни етти йилдан бери олинмаган, тўғрироғи, қўй етти йилгача яяловларда даяиб юра-верган, ақалли бирор марта қўтонга келмаган. Соҳиб эса ундан умиди-ни узиб қўйганди, ўлиб кетган бўлса керак, деб, йўқ, ўлмабди. Шунча йил девонима қўй жуни-нинг узунлиги 62 санти-метрге етди.

Хайрон қопарли жиҳати шунаки, одада қўйлар ағар жуни ҳақ олин-маса, 4 йилгача зўрга яшай мумкин. Чунки бундай ношук улларнинг юраги доъ беролмайди. Бу қўй эса... Мазкур хабарни «Нурь-ер-Мейл» рўзномаси чоп этган.



МУВАФФАҚИЯТЛИ ОПЕРАЦИЯ
Маҳаллий гарнизон қисм-лари Бағлои вилоятда ҳа-ракат қилган қуролли опо-зиция қисмларига қарши кенг қўллади операция ўт-

матта қарши уруш ҳаракат-ларини тўхтатди. Кейинги икки ҳафта ичиде Нангарҳор вилоятдан 160 дан ортқ йилит ихтиёрий равишда ҳарбий комиссари-яти келиб, армияда хизмат қилиш истагини билдирди.

Иил бошидан бери қуролли қучларнинг сафларига 760 қўнғили келиб қўшилди. Қуролли оппозициянинг турли қисмлари ўртасида кескинлик пасаймапти. Ке-линги қучларнинг ўзидагина Вахтар агентлигининг маълу-

мотларига қўра, мамлакат-нинг турли вилоятларида «Афғонистон Ислоом жамаи-ти» ва «Афғонистон Ислоом фирқаси» отрядлари ўртаси-да тўқнашулар бўлганлиги қайд этилди. Отишмадан чо-ғида 27 киши ўлдирилди.



Айёмингиз қутлуғ бўлсин!

Барибир топмайсан...

Минг марта аразла, гина қил минг бор,
Нодустларга тутгин, майлига қўлоқ,
Орамизга солсин ганимлар дотор,
Минг бор кет, минг изла бошқа дўст, ўртоқ,
Олис-олисларга олиб кет бошини,
Барибир топмайсан мендай дардиашини,
Оловдан қочгандай қочгил бимдан,
Беҳудга ўтлардан асра ўзингни,
Вужудинг узок тут қирқта жонимдан,
Токи топмай қолай сеннинг изингни,
Этақда қанча бор, отавер тошини,
Барибир топмайсан, мендай дардиашини,
Майлига, яхшилар дугонанг бўлсини,
Кўшқисиз ва ишқисиз юргин қувониб,
Улар иставанча устимдан қўлсини,
Юрагин дардларда турган чоқ ёниб,
Топарсан муз қаблби минг қаламқошини,
Барибир топмайсан, мендай дардиашини,
Уларнинг бир умр кулиб ўтарлар,
Яқин йўлтмаслар бинга ташини,
Дин бермаслар, дилим олиб ўтарлар,
Сен дардди қиларга мартўқор дамни,
Уқмаслар, артмаслар қўзиндан ёшини,
Барибир топмайсан мендай дардиашини,
Ишқ деган очинча учрайсан бир кун,
Узиниб йангайсан, юран-бағринг тун,
Шоирам, қайтиб деб, ўтиномайсан,
Навайсан, излабсан битта дилнашини,
Барибир топмайсан мендай дардиашини,
Хосият БОБОМУРОВА,
Самарқанд.



Келинлик ҳар
кимга насиб
эТСИН



Келди баҳор...

Метронинг Ленин майдони бекати томонидан келатган йигит-қизларнинг шўх кулгуси қўлғимга чалинади. Яйраб кетиб, уларни саволга тутаман. Яна бошқаларини... Зора бу мусоҳаба сизга ҳам байрам кайфияти улашса.

Ҳамид РЎЗИБОВЕВ, курувчи.
— Байрамга етаб уйдагиларга нима совға олдингиз?
— Иш жойимдан талонга иккита тушонка, тўртта пиёла, ипак пайпоқ ва шунга ўхшаш қақур-қуқурлар беришган. Уларни олиб борсам, онасининг боши осмонга етади.

Нурмуҳаммад ГАДОВЕВ, пойтахт меҳмони.
— Ҳозир уйдан йироқдасиз, айгинишнингиз қараганда малаиканингиз оширғани келгансиз. Янгамни соғинадингизми?
— Ҳа, энди, болаларнинг онасини жуда соғиндик. Узиндан бурун — сочини.

— Сочларингиз узун шекилли!
— Тақимига тушди! Авваллари «Сочи узунинг...» деган гап юрарди. Ҳозир бу гаплар ўтмай қолган, сингилжон.

— Гап фақат сочда эмасдир!
— Ҳа, гап — келинонингизда! Бахтимга омон бўлсин!

Собиржон УСМОНОВ, комсомол ходими.
— Уйингизга ҳеч гул кўтариб борганимиз!
— Бўйдоқлигимда. Учрашуга чиқсам, келинонингиз мендан аразлаб гулни олмаган. Уйга кўтариб келаварганиман. Онам, ҳеч гапдан хабарлари йўқ, жуда хурсанд бўлганлар. Ушанда билганиман, байрамларсиз, тўй-томошаларсиз ҳам уйингизга онда-сонда гул кўтариб келиш кераклигини.

Набатдаги ҳамсўбатим Аҳром Шомаксудов, завод ишчиси.
— Ака, жуда кайфиятсиз чоғ!
— Сизгир экансиз. Мен совға қилишингиз уринга, Сайра опангиз менга совға қилдилар.

— Қандай совға экан!
— Тугруқнодан келатман. Қизлик бўлди. Иسمى — Навруз!

НАВРУЗА! Илоҳ исми жисмига монанд бўлсин! Шу кунлар дунёга келган гўдаклар афроидиғиларга баҳорий кайфият, севини улашиб яшасинлар. Кундан-кунга ноб бўлиб бораётган тинчлик-хотиржамлик ҳада қилсинлар. Истардимки, оналарингиз қувонч абадий бўлсин! Қизларингиз улан айтган момоларингиз тақдирингиз маъкам турсинлар! Шундай белбоғли йигитларимиз эл-юрт хизматига содиқ, ёларига вафодор бўлсинлар! Шундай бўлишга ишонаман. Чунки булик баҳор кунлари, дерахлар кўртган оқоватганда, дунё кайтадан туғилаётганда ният қилинган.

Яшнар ҚАРИМОВА.
— Дерахон, сиз мендан ҳафа бўлмангиз, мени ҳам аям томонга ўтаман. — дейди яқин қўлдан. Энди ўртада фақат кичиким қолди. — «Тоно-почо». Бу нима деганимиз, бирон бир чет эл ичимлигининг номидир-да, дедим. Ўйиб, бу нима қўлнинг тили шунча ажибнаҳа чиққан. Шу ичкинаман менга қараб «Дад-да, тоно-почо» деди. Суноиб кетдим. Ҳеч бўлмаса шуниси менга келди. Дарҳақиқат у мен тарафга уч-тўрт қадам ташлади. Бешинчисиде йиқилиб тушди. Бола йиқилса ҳеч қачон яда-да шубҳа йўқ. «Ая», дейди. Бу ҳам йиқилган заҳоти «ая», деди-ю, онаси томонга қайриди.

Қарасам, ҳаммаси онаси томонга ўтиб, бу тарафда яқинга ўзим қўлиман, етим қўлига ўшаб. Узинга-ўзим раҳим келиб кетди. Бу кунингдан баттар бўл, деб ўзимни уришдим. Лекин шаронгдан қўлимни кўтардим, ноллож «Мен ҳам сиз тараф хотин», дедим ва ўйга ўтдим. Шунгулло СОБИЖОНОВ.

БАХТ

Қўлларинг булут,
Сайласам сунут
Бўйинига ўралар булутлар.
Қўларинг чамқоқ,
Тин боқсам, э оҳ
Кайзадая санчилар ниҳонинг.
Юрагинг олов,
Тилгининг соқов...
Тупроқдан эрланган юрагинг.

Манзура БЕКҚАНОВА,
Тошда талабаси.

МЕҲР ҚАЙТГАНИДА


Меҳр гулханлари бир шамдек сўнар,
Орзу йиртиб ташлар алвон қўялган.
Шундан уфқ қизарар, олопадк ёнар,
Бобо Қўйш, сендан наҳот излайкин.
Қалбларга нур эле, олмаган ҳам тини,
Қайноқ юракларда шунда бир йўла
Эзгу-эзгу қислар кўрсатар юзини,
Қотган дилдаларда ўйнайди шўла.
Замон ҳам кўрмайди бир маънос бола,
Фотиҳа ўқилар омадсиз кунга,
Бахтининг сиймосига айланар нола,
Меҳр қайтганда шу бахри дунга!

Мухайб МИРСАИДОВА,
Тошкент.

Байрам ҳазиллари



Уалиб доҳирма қўнган.
Бу томонга бир-бир қараб қўй.



Топган гул келтурур, топмаган...
Узга сайёралик:
— Таваба, эркакларнинг байрамимиз-а?
Суратларни Шавкат МУЗАФФАР ўгли чизган.




Узга сайёралик:
— Таваба, эркакларнинг байрамимиз-а?
Суратларни Шавкат МУЗАФФАР ўгли чизган.



Шурулло СОБИЖОНОВНИ Ан-димода Шуғур қизи дейишади. У Тошкент театр ва рассомлик санъати олий билимгоҳини тугатгач, матъу чархларга кулгу улашганидан эзгу ишга ёл боғлади. Бу соҳада эришган муваффақиятлари нам эмас. Халқнинг тилига тушди. Бу йил Тошкентда ўтказилган жумҳурий кўрсатиш, аснчалар ва масхараболларнинг IV-куррида иккинчи ўрин соҳиб бўлди.
Кўйида унинг байрам муносабати билан таъдиган хатининини ўқийсан.

қорегинсиз. Сиздан бугдой ранг айлансин, — дейди. У, тилгинингиз тилсиздан чиқур, ҳеч бўлмаса «савтла каречновий» дегин, десам, «қорасиз» деди. Гил бўйиб ўлдириб қўя қолай дедиму, шайтонга ҳай бердим.

— Уи сўм, — деди.
— Ула, — дедим. — Сариксурак майналарини биров беш сўмга ҳам олмайтибди. Иккинчидан, менинг юзидан мош дегинсангиз олиб сеннинг юзингга қўйса нима бўлади.



Лекни гапи жуда алам қилди. Шу хотиндан гап еб қолсам улганим яхши дедим. Уйлаб қолдим. Бор экан! Бизга ўшаган қора одамларни ҳимоя қилдиган гаплар бор бирининг анини олишади.
Хотинга эй, биздақаларни қора демейди, бугдойранг дейди десам, «вой» дедаси.

га уйландирингиз!
— Занжигга, неграл! Агар хотиним негр бўлганда борми мени қорасан демаган бўларди. Кайтанга олпогим дедим.
— Узи негрнинг олдига мен ҳам қорқмадек бўлиб кўринсам қорас-а, — дедим. Таплага ишонингиз тегди шекилли, хотинимнинг жағи тегиб қолди. Мен баттар ажига миндим.

— Уа, агар қора эр билан яшашга ор қилаётган бўлсанг йигитири қарам шўрангини, — дедим.
Дарров рўзгорини бўлдим. Бўлманган фақат уч фарзанд қолди. Уларни тенг бўлсам 1,5 тадан тоғар экан. Узингизга маълум чала болани мейтабга олишмайди. Шу сабабли болаларнинг ихтиёрини ўзига қўяди.

— Кимда ким онаси билан қўлагидан бўлса у томонга ўтининг, онасини яхши кўради-гаплар бу томонга, — дедим. Эр-хотин икки тарафга туриб олди.

Ҳаммаси мен томонга ўтса керак деб ўйлаб турган эдим, даставвал ўғлим кўл кўтарди. Айти ғирт ўзим денг.

— Уа қораш, ўт бўйиқа, — дедим.
— Мен аям томонга ўтаман, деди. Бу нега онаси томонга ўти экан-а, дея сиқилдим. Уйласам, уч кун аввал қўлимни бурган эканман. Шунга кек сақлаб юрган экан. Бекордан бурганим йўқ. Янги боқиники йўқотиб қелибди. Узи ҳам олиб берганимга уч йил бўлувди, холос.

Нега куласилар? Илгариги замон бўлса ҳам майли эди.

Узингиздан қолар гап йўқ. Бозор иқтисодиёти эшик қорқиб турибди. Эшик қорқиб ҳам гапимиз Эшикни қия очиб, калласини суқиб ҳам олди. Яшанг, ҳадеб ботиникларингиз келаларсиз, уйганим қайдан топаман!

Иккинчи бўлиб қизим кўл кўтарди. Аммо, қиз эмас, «пўлемет» — сайрайди. «Она қизим, момо қизим, кел ўзингизга», дедим.

— Дерахон, сиз мендан ҳафа бўлмангиз, мени ҳам аям томонга ўтаман. — дейди яқин қўлдан. Энди ўртада фақат кичиким қолди. — «Тоно-почо». Бу нима деганимиз, бирон бир чет эл ичимлигининг номидир-да, дедим. Ўйиб, бу нима қўлнинг тили шунча ажибнаҳа чиққан. Шу ичкинаман менга қараб «Дад-да, тоно-почо» деди. Суноиб кетдим. Ҳеч бўлмаса шуниси менга келди. Дарҳақиқат у мен тарафга уч-тўрт қадам ташлади. Бешинчисиде йиқилиб тушди. Бола йиқилса ҳеч қачон яда-да шубҳа йўқ. «Ая», дейди. Бу ҳам йиқилган заҳоти «ая», деди-ю, онаси томонга қайриди.

Қарасам, ҳаммаси онаси томонга ўтиб, бу тарафда яқинга ўзим қўлиман, етим қўлига ўшаб. Узинга-ўзим раҳим келиб кетди. Бу кунингдан баттар бўл, деб ўзимни уришдим. Лекин шаронгдан қўлимни кўтардим, ноллож «Мен ҳам сиз тараф хотин», дедим ва ўйга ўтдим. Шунгулло СОБИЖОНОВ.

ОЙНАИ ЖАҲОН ТУҲФАСИ

ЖУМҲУРИЯТ ЭКРАНЛАРИДА:

● ҚИЗЛАРХОН ДУСТМУҲАМЕДОВА:

РАҚСЛАРИМАЛА НАФОСАТ УЛАШАМАН
Байрамни қутлаб олам янгилаётми, табиат уйғониб, яш-наб-яшориб гулгун чиройини намоён этаяр. Ойнаи жаҳон иқдорларини ҳам мўътабар оналаримиз ва меҳрибон оёқ-сингилларимизга байрам қувончини бағишлаш учун ўз кўрсатувларини «Рақсларда умр баҳорини» видеофильминини намоиш этиш билан бошлади.

— Мен яратган рақсларимнинг мусиқий муаллифи бастакор Муҳаммаджон Мирзаев бўлса, уларни сахналаштирган бастакор Оқилқодир, — дея хикоя қилади видеофильм хазинаси. У — Бекордан ССР халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова. — Мен рақсларим орқали томошбинларга меҳр тўла нафосат улашиб, борлиқ туйғулариمنى ифода этаман. Сиз томошбинлар билан суҳбат қургандек бўламан. (9.00да)

● **ОНАЖОНИМ ● ОҒОТБОЖОНИМ**
Бу кўрсатувда Тошкент вилояти Калинин ноҳиясидаги Урта овул посёлқасидан «Кулбача» болалар боғчисининг тарбиялу-нучилари, Октябрь ноҳиясидаги Бешбўғоч мазаси 567-болалар боғчаси ҳамда пойтахтдаги 394-боғча «Ором» ансамблининг солисти Севара Султоналиева Қизлархон байрам билан чин дилдан қутлайдилар. (18.00да)

● **СИЗ БОРКИ...**
«Ешлик» телестудиясининг бу кўрсатувни муҳаррирлари, режиссёрлари, операторлари, ассистентлари (ҳаммаси йигитлар) Қизлархон хизматингизга ҳозир турибдилар.
Агар сиз эшиттириш пайтида 41-92-54 рақамли телефонга қўнғироқ қилиб ўз табрик ва истакларингизни изҳор қилсангиз, кўрсатув муаллифлари уларни рўббга чиқаришга ҳаракат қилишади. (12.35 да)

● **ТЕЛЕВИЗОН МИНИАТУРАЛАР ТЕАТРИ**
Бу кўрсатув асарияти айлар меҳнат қилмаган Тошкент бадийи буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасидан олиб борилади.
Унда Эргаш Қаримов, Обид Асонов, Ботир Муҳаммадўжаев, Абдуҳалиқ Амарасуллов каби бадийи сўз усталари қатнашиб, чеварлар ва Сиз телетомошбинлар дилини хушнуд этишади. (22.25да)

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДИЕНИЕДА:

● СОВРИНДОРЛАР КОНЦЕРТИ

«Россия» тароналари. Бутуронсия телерадио танловни қатнашчиларининг чиқишларини ойнаи жаҳон орқали кўзатиб турганлар 8 Март кунини соат 10.00 да унинг совриндорлари ва дипломатлари ижросида концерт томоша қилишлари мумкин.
Навқирон истеъдодлар ва гел Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида халқ кўшиқларидан байрам гулдасиси ҳада этадилар.


● **1991 ЙИЛ ҚЎШИҚЛАРИ**
Яқиндагина «1990 йил қўшиқларининг» акунловчи концертини томоша қилган эдик. Мана, «1991 йил қўшиқлари» янгирайдиган кун ҳам келди. Останкино концерт студиясига композитор Александр Морозов, Валентина Толкунова, Вячеслав Добринин, Михаил Муромов, Игорь Тальков, Евгений Куликов, Марина Цхай, Ирина Шведова, «На-На», «Форум», «Альфа» гуруҳлари тақлиф этилган.

● **УЧИРМАСАНГИЗ КЕРАК**
«Екмаса — ўйириб қўйинг!» деб атайган ҳажвий-дам олиш кўрсатув иккинчи бор байрам кунини соат 19.00 да ойнаи жаҳон юзини кўради. У аввалдагидек уч қўлдан иборат бўлиб, «Долзарб классика» деб номланган қисмида эстрада сахнасида томошбинларга ақиндан таниш бўлиб қолган актёр Игорь Кашинцев машҳур ҳажвий Михаил Шощежонинг иккунда ҳикояларини ўқийди.


Пародия жанрида томошбинларга танилган Михаил Евдокимов ижросида таниқ киноартисларнинг пародияли суратларини томоша қиласиз.
«Актёр чўлғак» рукунини театр ва кино орқали томоша-бинларга танилган Евгений Весник давом эттиради.

Бу гапни кўрсатув байрам кунини эҳтиёт қилгандаги муносабати билан унинг иқдорлари муҳтарам телетомошбинларимизни Берлин Модалар уйдаги янги кийимлар намуна-лари билан таништиришмоқчи.

● **ЦИРКИНИ КИМ СЕВСА...**
Кечқурун соат 20 дан 15 дақиқа ўтганда Валерий Леонтьев, Лайма Вайкуле, Лариса Долина, Филипп Киркоров каби машҳур эстрада хонандалари ва Ирина Астурян, Андрей Билл каби чавандозлар, Александр Пепеляев раҳбарлигида балет, Игорь Корнелюк, Азиза Муҳамедова, Тамара Гвердцители каби санъаткорлар, даровоз Медниковлар ва учуви акробат Ескилар, «Буратино» болалар рақс ансамбли ва бошқалар иштирокида Цетвий Бульвардаги циркда бўладиган бал-маскарада томоша қиласиз.



«Еш ленинчи» рўзномаси ҳузурда «Шўла» адабий уюшмасининг навбатдаги машғулотини шу йил 10 март, яшанба кунини соат 12.30 да жумҳурият ёшларнинг «Ил-хон» клубида ўтказилади. Машғулотда «Зиёкор» маърузида суҳбат ўтказилади. Уюшманинг барча аъзоларини ва қизиққанларни тақлиф этишимиз.



9 МАРТ — ШАНБА
● **УЗТВ I**
8.00 «Ассалом алайкум».
9.00 «Муҳаббат рихтаси».
Вадийий фильм (Хиндистон).
1-серия. 10.15 «Тазлим на маданий мерос». 10.55 «Муҳаббат рихтаси». Вадийий фильм. 2-серия. 12.10 «Беллашу».
Хунарамид йигитлар баҳси. 13.10 «Ассалом футбол».

18.00 «Дайди тўтининг кайтиши». Мультифильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари ўзун. «Қўшғини, жон қўшғини». 19.00 «Ўзбек тилини ўргана-миз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Ўзбекистон барлари. 19.55 Ўзбекистон Давлат телестудиясини ра-диоси дўторчи қизлар ан-самблининг концерти. 20.30 «Халқнома». 21.30 Москва. «Вақт». 22.15 «Санъат усталари». Ўзбекистон ССР халқ артисти Зайнаб Садриева. 23.15 «Қимматга тушган ху-зур-ҳаловат». Вадийий фильм («Мосфильм»). 00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **МТ I**
8.30 «ТШ». 8.45 Спорт ҳамма учун. 9.00 «Эски кў-за». Мультифильм. 9.15 Тонг-ги дам олиш программаси.

12.35 Шейрият лаҳзалари. М. Григорьева. 12.45 «Синд-бод-денгизчи». Мультифильм премьераси. 13.30 Валет артистларнинг концерти. 14.05 «Циркни ҳамма сева-ди». Свердловскдан кўрсати-лади. 14.45 «Сиз бунга қодир-сиз». «Пневматик-91». 15.30 «ТСН». 15.45 Ойла экрани. «Китини тишини қан-дай олиш керак». Телевизион бадийий фильм. (ЧСФР). 17.20 «Патрисия Каас — йил ови-зи». 18.30 «Халқлар панора-ма». 19.15 Мультифильмлар: «Похол турғай». «Аёз жило-си». 19.40 МТ экранида би-ричи марта, «Дежа вю».

Вадийий фильм (Одесса кино-студияси ҳамда Польшанинг «Себра» киноуюшмаси). 21.30 «Кўйил». Тўтинги телестудияне 00.45 «ВИД» ташишти-ради. «Матдор». 01.45 «Бахо-на». Телевизион бадийий фильм. 1-серия (Одесса кино-студияси).

«Еш ленинчи» рўзномаси тахририяти намоси рўзно-манинг Самарқанд ва Бухо-ро вилоятлари бўйича ўз муҳбири Гулчехра Алибо-вага отаси Нарзибек АЛИБОВЕВ вафот этганини муносаба-ти билан чуқур таззия из-ҳор этади.

Бош муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ТАХРИР ХАТЪАТИ: Муқаддас АБДУ-САМАТОВА, Зинавуддин ОРТИҚЖУБАЕВ, Нарийн РАХИМОВ, Фаруқ РАХИМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Зайнабдин РИХСНЕВ (масъуля қотиб), Қурбон ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчи: Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси (УЧРЕДИТЕЛЬ ЦК ЛКСМ УЗБЕКИСТАНА)

Рўзнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

БЎЛИМЛАР: Ёшлар снбсати — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-55-96; табиат ва эко логия — 32-57-52; иқтисодиёт ва тижорат — 32-58-47; ахборот — 32-57-52; спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; халқ таълими — 32-58-48; хатлар ва оммавий ишлар — 32-58-57; қабулхона — 32-58-58.

Манзилгоҳимиз: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Индекс: 64607, 380.000 нускада чоп этилади.

Рўзномамиз ҳафта-нинг сешанба, чоршанба, жума, шанба кунлари чиқади.

Кўлжазлар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилавади ва тақлиф этилмайди.

Яна рўзномада кўринишлар!